



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 144 (17.426).

26 июнь 1979 йил, сешанба

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗАНИНГ АВЖ ОЛИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ БАРЧА КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РАЎБАРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

М У Р О Ж А Т И

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Ушунчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили жуда катта меҳнат зафарларига бой бўлди. Бутун совет халқи каби республика меҳнаткашлари ҳам партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларини, Леонид Ильич Брежневнинг нутқларига баён этилган қоида ва ҳулосаларни амалга ошира бориб, муттасил бунёдкорлик ва рағнақ йўлидан бормоқдалар, халқ хўжалигининг барча тармоқларида фидокорона меҳнат қилиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. СҚЧ-2 тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши совет халқи бунёдкорлик меҳнатининг янги омили бўлди, бу шартнома қалбларимизга ҳозирги ва келажак авлодларнинг тинч истиқболига янги ишовч бахш этди.

Партиянинг ғамхўрлигига жавобан социалистик мусобақа тобора кенг қўламда қўлоқ ёзмоқда.

Республиканинг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари об-ҳаво шартлари жиҳатидан низоғда оғир келган шу йилда янги-янги муваффақиятларини қўлга киритмоқдалар. Пилла етиштириш юзасидан социалистик мажбуриятлар анча ошириб бажарилди, бошоқли дон экинлари, мева ва сабзавотдан мўл ҳосил йиғиб-териб олиш ва тайёрлаш ишлари муваффақиятли давом этмоқда, чорвачиликни ривожлантириш суръатлари кучайтирилмоқда.

Республика пахтакорлари ҳосил учун қаҳрамонона кураш олиб бормоқдалар. Улар ноқулай об-ҳавонинг оғир зарбаларига сабот-матонат ва маҳоратини, омилдорлик ва тажрибани, зўр меҳнатини ва ўз қалбларининг қўрғини рубарў қўйдилар. Улар олдида ноқулай об-ҳаво ҳам чекинди.

Лекин унинг таъсири ҳали ҳам пахта далаларида жуда қаттиқ сезилиб турибди.

Бу йил иқлим шартлари жиҳатидан Ватан пахтачилигининг бутун тарихида энг машаққатли йил бўлди. Унинг олдида қатто ўтган йилнинг қийинчиликлари ҳам ҳеч гап бўлмади қолди. Баҳорги жала ва дўллар ғўзанинг эндиғина ушиб чиққан ниҳолларини бир неча марта йўқ қилиб кетди. 900 минг гектар майдонда чигит йил неча марта қайтадан экилди. Тиним билмас деҳқон қўллари сув босган далаларини ҳам, қатқалоқни ҳам, ғўза илдининг чиршини ҳам, ҳуллас мана шу ишларнинг ҳаммасини кўрди. Одамлар бунга бардош бердилар.

Ҳамма майдонларда чигит яхши ундириб олинди. Лекин ғўзаларнинг аҳоли ҳамон ташвиш тугдирмоқда. Ниҳоллар ривожланишдан жуда орқада қолмоқда. Майдонларнинг бир қисмида ғўза шоналай бошлади, бошқа бир қисмида 4—5 та чин барг ҳам пайдо бўлгани йўқ, баъзи жойларда эса чигит энди ушиб чиқди. Ҳатто пахта далаларининг энг яхши

ши участкаларида ҳам экинлар ривожланишдан 10—15 кун орқада қолмоқда. Хўш, бунга нимани қарама-қарши қўйиш мумкин? Бунга қайноқ қалбларининг ҳароратини, «олтин қўл» пахтакорларининг юксак маҳорати ва ишбилармонлигини қарама-қарши қилиб қўйиш мумкин!

Ҳосил учун курашнинг мана шу масъулиятли, ҳал қилувчи палласида биз, сизларга, азиз колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар, хўжаликларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, барча қишлоқ меҳнатчилари, ўртоқлар, сизларга мурожаат қилиб, ғўза парвариши ишларида ғоят қизгин, жуда актив иштирок этишга, далалардаги ишларни ҳар томонлама кучайтиришга даъват этамиз. Ҳар бир ғўза тупини сақлаб қолиш, ниҳолларнинг энг мақбул қалинлигини вегетация охиригача таъминлаш, намунали парвариш қилиб ғўзанинг авж олишини жадаллаштиришга эришиш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир.

Ҳар бир дала, ҳар бир картани бегона ўтлардан тоза сақлаш бугунги асосий вазифадир. Баҳорги ноқулай об-ҳаво гербицидлар таъсирини йўқотди. Барча мавжуд воситалар ёрдамида бегона ўтларга қарши курашни сабот билан олиб бориш зарур.

Бегона ўтлар ҳам оқатдир, шу бондан бонг урмоқ, бегона ўтларга қарши курашга колхоз ва совхозларнинг меҳнатга қобилияти барча аҳолисини оғлаштирмоқ, район марказларидан қишлоқларни пахтакорларга ёрдам беришга жалб этмоқ керак.

Бунда механизаторлар жуда катта роль ўйнайдилар.

Биз сизларга, далаларнинг шавкатли гвардиячилари — шонли механизаторларимизга мурожаат қилмоқдамиз! Сизлар йилдан-йилга ўз маҳоратини такомиллаштирмоқдасиз ва пахта учун умумхалқ курашида фидокорона меҳнат, намуналарини кўрсатмоқдасиз. Шу кунларда ғўза парвариши, унинг ривожига қоқоқликни тугатиш суръатларини кучайтириш сизларга боғлиқ. Биз сизларнинг бутун маҳоратингиз, билимингиз ва тажрибангизни, бутун сабот-матонатингизни ғўза қатор ораларига ишлов беришни ўз вақтида ўтказишга сафарбар этишга даъват этамиз. Ҳозир култивацияларнинг сифатига алоҳида эътибор бериш керак. Илгор пахтакорларнинг тажрибасига қўра, қатор ораларидаги тупроқ доимо чуқур юмшатиш ва майдонлардан бўлиши керак. Ишлов бериш кенглиги мумкин бўлган даражада, қатор ораларининг ўртасидаги чуқурлик эса камида 16—18 сантиметр бўлмоғи учун ишчи органлар тўлиқ олиниб, тўғри қўйилганда шунга эришилди. Сугоришдан кейин тупроқнинг қақраб қолишига йўл қўймаслик, тупроқ етилганда унга ишлов бериш жуда муҳимдир, ўшанда у жуда яхши юмшатилади. Биз сизларни ғўзаларнинг тўла қалинликда бўлиши учун, ҳар

бир тупини сақлаб қолиниши учун курашга даъват этамиз.

Шу кунларда сувчиларнинг қийин меҳнати алоҳида аҳамият касб этади. Халқ сувчиларини меҳр билан «пахта далаларининг зарғарлари» деб атайдилар. Ҳозир жазирама кунлар — саратон бошланди. Бу даврда ғўзани кўп сугориш талаб этилади. Июль ойида ғўзаларни озиклантириш билан бир вақтда икки марта сугориш ва тўрт марта култивация қилиш керак. Азиз гидротехникларимиз, мироб ва сувчиларимиз, биз сизларни ўз бурчингизни шараф билан адо этишга, сугориш ишларини кечасио кундузи олиб боришга даъват этамиз. Сугориш сифати қаттиқ кузатиб борилсин. Бутун далада тупроқнинг бир текис намланишига эришмоқ учун кўп ўқариқли калта-калта жўяқларда группа усулида сугориш лозим. Бу — тупроқнинг бир вақтда етилиши ва култиваторлар учун доимий иш фронтини таъминлайди.

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари! Сизлар табиий офат оқибатларини жуда зўр куч-ғайрат эъзизга бартараф этдингиз. Чигитнинг ушиб чиқишига ва ғўзаларнинг талаб этилган даражадаги қалинлигига эришдингиз. Эндиликда моҳирлик билан парвариш қилиш, ғўзаларнинг жадал авж олишига эришиш бош вазифадир.

Пахта учун курашда вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишда биз КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг, шайхсан азиз Леонид Ильич Брежневнинг жуда катта ёрдами, оталарча меҳрибонлигини ҳар кун, ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз. Мана шу машаққатли кунларда республикага фондлардан ташқари кўп миқдорда минерал ўғит ажратиб берилди. Ҳозир уларни қисқа муддат ичида экинларга бериш жуда муҳимдир. Бу эса ўғитларнинг самардорлигини оширади. Ўғитлар билан бирга ҳар гектар ерга 10—15 тоннадан чиритилган майда гўнг солаётган илгор пахтакорларнинг тажрибасини кенг қўлланиш лозим.

Шу билан бирга, вужудга келган шартонларда жўяқлардаги тупроқни, экинларнинг атрофини кетмон билан юмшатиш ва шу билан ғўзанинг илдин-энга сув, ҳаво, озиклантирувчи элементларини яхши етиб бориши учун қўлай шартонни яратмай туриб мўл ҳосилга эришиш мумкин эмас. Бугунги кунда ғўза зараркундаларидан ва касалликларига қарши курашга алоҳида эътибор бериш керак. Ҳамма жойда кузатиш постлари тузилсин, ҳар бир дала, ҳар бир картанинг синчиклаб текширилиши уюштирилсин, мавжуд тасвияларга қатъий мувофиқ манбаларга оператив ишлов берилсин, биринчи навбатда захари кам препаратлар ва оқакли олтингугурт эритмаларидан фойдаланилсин, улар ердаги механизмлар билан пурқасин, ғўза зараркундаларидан ва касалликларига қарши курашнинг биологик методлари кенг қўлланилсин.

Азиз донгдор пахтакорларимиз!

АЗИЗ ДОНГДОР ПАХТАКОРЛАРИМИЗ! СИЗЛАР ЙИЛ САЙИН ФИДОКОРЛАРИНИ КўРСАТМОҚДАСИЗ. ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ ТАЪБИРИ БИЛАН АЙТГАНДА, СИЗЛАРНИНГ «ОЛТИН ҚўЛЛАРИНГИЗ», ДОВРУҚ ЕЙГАН МАҲОРАТИНГИЗ МЎҶИЗАЛАР ЯРАТМОҚДА. СИЗЛАРНИНГ БИЛИМИНГИЗ ВА ТАЖРИБАНГИЗ, МЎЛ ПАХТА ҲОСИЛИ УЧУН ҲАР ЙИЛГИ КУРАШДА ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА СОДИҚЛИГИНГИЗ — МЕҲНАТГА ЧИНАКАМ КОМУНИСТИК МУНОСАБАТ ТИМСОЛИДИР.

Сизлар йил сайин фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдасиз. Леонид Ильич Брежнев таъбири билан айтганда, сизларнинг «олтин қўлларингиз», доврўқ ёйган маҳоратингиз мўҶизалар яратмоқда. Сизларнинг билимингиз ва тажрибангиз, мўл пахта ҳосили учун ҳар йилги курашда интернационал бурча содиқлигингиз — меҳнатга чинакам коммунистик муносабат тимсолидир. Об-ҳаво шартлари жиҳатидан жуда қийин бўлган ва мислсиз муваффақият билан якунланган бултурги йил ана шунга яна бир бор тасдиқлади. Бу — сизларнинг хизматингиз ва сизларнинг шон-шухратингиздир. Ўза ривожланишини жадаллаштириш учун барча зарур ишлар қилинган, меҳнат ва маҳорат сарфланган жойда об-ҳаво ноқулай келган шартонларда ҳам рекорд ҳосил олиш мумкинлигини ўтган йил кўрсатди.

Шу бондан биз бу йил ҳам экинларни намунали парвариш қилишга, ғўзанинг авж олишини жадаллаштирмоқ учун, имкони бўлган ҳамма ишни қилишга даъват этамиз. Ана шунда барча қийинчиликлар муваффақиятли бартараф этилади.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари, биз сизларга мурожаат қиламиз! Қишлоқда ташкилотчилик ва сиёсий иш сависини оширингиз, йиллар давомида синовдан ўтган ўзаро талабчанлик ва ўзаро ёрдам мактаби — социалистик мусобақанинг кенг қўлоқ ёшишига эришингиз. Пахтакорлар, механизаторлар, сувчиларни, далада ишлаётган кишиларнинг ҳаммасини меҳрибонлик ва ғамхўрлик билан қўриб олингиз, унумли меҳнат учун уларга энг қўлай шарт-шароитлар яратингиз. Биз Ўзбекистон Компартияси XX съездининг кутиб олишга ҳозирлик қўрмоқдамиз. Мана шу шонли воқеани аъло кўрсаткичлар билан ишонч билан, ишчи қоқоқларсиз ишлайдиган қилиб уюштириш — бизнинг бурчимиздир.

Социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида районлар ўртасида 1 июндан 10 июлгача, областлар ўртасида 20 июндан 1 августгача ўзаро текширишлар ўтказишни тавсия этамиз. Ана шу даврда ҳосил учун кураш айниқса авжга чиқадилар, бинобарин мусобақадорларнинг ўзаро контроль қилиши, илгорлар тажрибасини ва деҳқонларнинг дошманчилигини ўртоқлаштириш низоғида фойдали бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахтакорлар, барча қишлоқ меҳнатчилари мўл ҳосил учун курашда куч ва ғайратларини аямийдилар, ўзининг беш йилликнинг туртинчи йилида мамлакатда 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» етказиб бермоқ учун юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариб, Ватанини хушнуд этадилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЕРДАМ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ҚАТНАШАДИГАН СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашининг 26 июнда Москвада очилган XXIII сессияси мажлисида қатнашадиган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи делегациясини тасдиқлади. Делегация состави куйидагилардан иборат: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин (делегация

бошлиғи), КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, К. Ф. Катусев, В. А. Кириллин, Н. В. Маринин, СССР министрлари В. Ф. Гарбузов, Н. С. Патолчиев, СССР Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Сначков, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев.

ТАРДАН МЕҲМОНЛАР КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршалли Д. Ф. Устиновнинг тақлифига бўйнон ГВСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри армия генерали Г. Гофман бошчилигидаги ГДР ҳарбий делегацияси расмий дўстлик вижди билан 25 июнь кўни Москвага келди.

Аэропортда меҳмонларни Д. Ф. Устинов, Совет Иттифоқи Маршаллари Н. В. Огарков, В. Г. Куликов, армия генерали А. А. Епишев кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида ГДРнинг СССРдаги элчиси Г. Отт бор эди.

Шу кўни ГДРнинг ҳарбий делегацияси В. И. Ленин Мавазелига гулнамбар қўйди. Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди. (ТАСС).



АҚШДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов 25 июнда АҚШ транспорт министрининг биринчи ўринбосари А. Бучмен бошчилигидаги Америка делегациясини қабул қилди. Делегация транспорт соҳасида ҳамкорлик қилувчи Совет-Америка комиссиясининг V сессиясида қатнашиш учун Совет Иттифоқига келган.

АҚШдан келган меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан, метрополитени билан танишдилар. Делегация Бухорога сафар қилади. (ЎзТАГ).

Наманган области. Поп районидagi «Коммунизм» колхозининг Раҳимжон Ёнубов ва Ғанимjon Ғонобов бошлик бригадалари аъзолари беш йилликнинг туртинчи йилида ҳар гектар майдондан 60 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтаришга аҳд қилишган. Ҳар икки бригадир механизатор Норингит Мирзаалимов олдида ўз ваъдаларининг устидан чиқиб қанчали аҳдлари катти эканигини назор этмоқда.

Ж. Тураев фотоси.

КОСМИК ВАХТАДА ТўРТОЙ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 25 июнь. (ТАСС). Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин Ер атрофи орбитасида тўрт ойдан бери ишламоқдалар. Узоқ орбитал учиб чоғида жуда кўп илмий-техник тадқиқот ва экспериментлар бажарилади. Космонавтлар икки транспорт команининг юқини бўшатдилар, «Союз-32»ни Ерга қайтариш учун тайёрладилар ва «Союз-34» кемасини қайта тўғаштирдилар. Экипажнинг ташаббус кўрсатиб, уюшқоқлик билан ишлаш учун программасининг муваффақиятли бажарилишига кўп даражада ёрдам бермоқда.

Бугун орбитал комплекс ичида станция радиотехника системаларини текшириб қўриш экспериментлари, биологик экспериментлар, Ер юзиди фотосуратга олиш кўзда тутилган.

Космонавтлар Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш программасига мувофиқ Совет

Иттифоқи территориясини фотосуратга олмақдалар. Жумладан, АКФ-6М ҳамда КАТЗ-140 аппаратларининг ёрдами билан Украина, Урал ва Козогистон қишлоқ хўжалик районлари сўмча қилинмоқда.

Бундан олдинги икки кўнлик учиб экипажнинг актив ҳордиқ чикариши учун анжратилганди. Космонавтлар жисмоний машаққат билан шугулланидилар, душ қабул қилдилар, оилалари билан суҳбатлашдилар. Владимир Ляхов билан Валерий Рюминнинг соғлиги яхши ва улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

«Салют-6» орбитал станцияси 24 июнь, Москва вақти билан соат 14 гача Ер теварагичи 10 минг марта айланиб учди. Экипажнинг доқдалари ва телеметрик ўлчаш маълумотларига қўра, станция ичиндаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди. Ер атрофи орбитасидаги тадқиқотлар давом этмоқда.

